

Гилос дарахти (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 3995

Алий ва Оиша гилос дарахтигатирмашиб чиқволишиб қип-қизил гилосларни ея бошлашди.

Алий қараса шоҳларнинг учидаги гилослар яхшироқ пишган ва чиройлироқ экан. Юқорироққа чиқмоқчи бўлди. Оиша уни огоҳлантириб шундай деди: У шоҳлар баланд ва мўрт, сени кўтара олмайди. Бу ердаги гилослар ҳам чиройли. Аммо Алий шоҳнинг учидаги ўша гилослардан бошқа нарсани кўрмасди, Оишанинг сўзларини эшитмасди. Ўша мўрт шоҳлар-даги гилослар томонга кўтарила бошлади. Кўп ўтмасдан ўзини ўша шоҳлар устида кўрди. Натижада дарахтнинг шоҳлари ҳам синди, Алийнинг оёғи ҳам синди. Алий оёқлари гипсга солинишига ва уйида бир неча ҳафта фақат гилосни томоша қилиб ётишга мажбур бўлди.

Алийнинг бу қилган иши тамаъгирлик ва очкўзлик деб аталадиган иш эмасми?

У Расулulloҳ С.А.В. нинг ушбу ҳадиси-шарифларини диққат билан ўрганишга қанчалар муҳтож экан. У Зот шундай деганлар:

Одам боласининг икки водий тўла тилласи бўлса учинчиси ҳам бўлишини хоҳлайди. Унинг оғзи (ёки кўзи) фақат тупроқ билан тўлади. (Тирмизий)